

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**153 Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
11 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2214*

*(2011 йил 21 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш, авиация ҳалокатлари ва бахтсиз ҳодисаларини олдини олиш, ҳаво кемаларининг парвозлари хавфсизлигини таъминлаш ва фуқаролар олдида уларнинг ҳаётлари учун жавобгарликни ошириш мақсадида **буюраман:**

1. Вақтинча 2012 йил 1 майгача халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг талабларига мувофиқ бўлмаган ёки 25 йил ва ундан ортиқ бўлган календарь хизмат муддатини ўтаган самолётлар учун:

а) Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрида рўйхатга олиш;

б) Ўзбекистон Республикаси эксплуатант сертификатига хорижда рўйхатдан ўтган ҳаво кемаларини киритиш тўхтатилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 5 апрель,  
43-сон